

Фан маълумотларини бошқариш

Фан яратиш

ОТМда ўқув жараёни ўқув режадаги фанлар асосида олиб борилади. Шу сабабли тизимда ҳам ўқув режадаги барча фанлар шакллантирилади. Фанни яратиш тизимнинг **Fanlar bazasi / Fanlar ro'yxati** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).

1-расм. Фан яратиш

Фан маълумотларини қуидагича шакллантиринг:

- **Ta'lif turi** майдонидан таълим турини танланг;
- **Fanlar guruhi** майдонидан гуруҳни танланг;
- **Nomi** майдонига фан номини киритинг;
- **Kod** майдонидан фанни кодини киритинг, масалан MAT1001.

Фан маълумотлари киритилгандан сўнг **Saqlash** тутмаси босилади. Натижада фанлар рўйхатида яратилган фан пайдо бўлади (2-расм).

2-расм. Фанлар рўйхати

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида ўкув режадаги барча фанлар яратиб чиқилади.

Фанни тахирлаш

Фанни тахирлаш учун фанлар рўйхатидан тегишли фан номига сичқонча билан босилади ва натижада фаннинг маълумотлари тахирлаш майдонларига юкланди (2-расм).

Фанни тахирлаш ойнасидан бирор бир тахирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали фан маълумотларини сакланг.

Фанни ўчириш

Яртилган фан маълумотларини ўчириш учун фанлар рўйхатидан тегишли фан номига сичқонча билан босилади ва тахирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси босилади (2-расм).

Эслатма. Агар тизимда фанга боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у холда тизим фанни ўчиришга рухсат бермайди. Бундай ҳолларда фанни ўчириш учун дастлаб унга боғланган маълумотларни ўчириш зарур.